

ШАРТНОМА № 14

Андижон шаҳри

“7” 06 2022 йил

Ўз низомига асосан иш юритувчи «Комфорт Строй Трейд МЧЖ» номидан
харакат килувчи раҳбар З. Раҳмонов бундан буён шартномада «Бажарувчи» деб
юритилади, «Андижон давлат университети» номидан Низоми асосида харакат килувчи раҳбар А.С.Юлдашев
бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг топшириғига кўра қуйидаги хизматларни кўрсатиши мажбуриятини олади.

т/р	Махсулот ва иш хизматлар номи	Улчов бирлиги	Микдор	Баҳоси	Умумий Баҳоси
1	Andijon shahar, Universitet ko'chasi 129-uyda joylashgan fizika-matematika o'quv binosini fasad qismini joriy ta'mirlash uchun loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash va davlat ekspertizasidan o'tkazish.	Хизмат	1	4620000	4620000
	Жами:				4620000

Шартнома умумий суммаси 4620000 (Турт миллион олти юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

1.2. «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни давомида тўлов «Буюртмачига» кўрсатиладиган хизмат учун олдиндан 30% «Бажарувчи»нинг ҳисоб-рақамига ўтказиб беради. Қолган 70% тўлов ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг ҳисоб-фактура ва ишларни бажариш далолатномасига асосан ўтказиб берилади.

1.3. Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТАЛАРИ.

2.1 «Бажарувчи»нинг мажбуриятлари:

2.1.1 Хизматни (ишларини) ва бажариладиган хизматга сарф қилинадиган махсулотларни лозим бўлган сифатда тайёрлаш.

2.1.2 «Бажарувчи» хизматни ва ишларини шахсан ўзи бажариши

2.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1 Хизматни (ишлар) қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб мазкур Шартноманинг 2-бандида кўрсатилган баҳо бўйича ҳақ тўлаш.

3. БУЮРТМАЧИ ХУҚУҚЛАРИ.

3.1 Ҳар қандай вақтда Бажарувчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириб бориш

3.2 Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда Шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг Буюртмачи Шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олгунга қадар тайёрланган махсулотлар қисмига мутаносиб қисмини Ижро этувчига тўлаш.

4. ИШ (ХИЗМАТ)ЛАР БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Кўрсатилган хизматлари баҳоси Ташкилот ёки унинг юқори ташкилот томонидан ўтказилган танлов (тендер) савдосига тақдим этилган таклифларда кўрсатилаган баҳолардан ошиб кетмаслиги шарт.

4.2. Тайёрланган (ишлар) учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди. бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3 Тарафларнинг Мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланилади.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

5.1 Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2 Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, Тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг уларни Тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган ҳўжалик судида қўриб чиқишга топширилади.

6. Форс – мажор ҳолатлари.

6.1 Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар "ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари", агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2 Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. Бошқа шартлар.

7.1 Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

7.2 Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3 Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи» да иккинчи нусхаси "Буюртмачи" да сақланади.

8. Шартнома муддати.

8.1 Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб бир хил ҳуқуқий кучга эга бўлди.

8.2 Шартнома тегишли газначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириб "31" декабрь 2022 йилгача амал қилади.

9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

"БАЖАРУВЧИ"

"KOMFORT STORY GRAND" МЧЖ

Манзил А.Навоий шох кўчаси 100/102

х/р 2020 8000 9051 4252 6001

МФО: 00083

ИНН: 306 858 382

Банк «НАМКORBANK» Андижон мин.фил

"БУЮРТМАЧИ"

Андижон давлат университети

Манзили: Андижон ш Университет кўча 129 уй

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги

х/р 23402000300100001010

МФО: 00014

ИНН: 201122919

Банк МБ ББ ХККМ Тошкент ш

Шхв: 400910860034017094100079001

ИНН: 202217655



З.Расулов



А.С.Юлдашев

қосимта қўриққан ҳужжатлар билан. М. Раҳимов